КАВКАЗОРТИДАН АМЕРИКА БОЗОРИГА

Турдали Қамбарович Нуридинов
Қўқон давлат педагогика институти
turdali.nuridinov@mail.ru

АННОТАЦИЯ

Мақолада БХСРнинг 1922-1923 йилларда АҚШ билан олиб борган иқтисодий алоқалари ёритилади. Кавказортида фаолият олиб борган савдо бўлими АҚШнинг “Кавказ Трейдинг”, Гершкович ва ўғил” фирмалари билан савдо алоқаларини ўрнатди. Совет савдо ташкилотларининг аралашуви натижасида ҳамкорлик муносабатларига барҳам берилганлиги ёритилади.

Калит сўзлар: БХСР, Кавказорти, савдо бўлими, “Кавказ Трейдинг”, Гершкович ва ўғил”

FROM THE CAUCASUS TO THE AMERICAN MARKET

Turdali Kambarovich Nuridinov
Kokand State Pedagogical Institute
turdali.nuridinov@mail.ru

ABSTRACT

This article covers the history of economic relations with the USA in 1922-1923. The sales department in the Caucasus has established trade relations with the US companies Kavkaz Trading, Gershkovich and Son. As a result of the intervention of Soviet trade organizations, cooperation was terminated.

Keywords: BPSR, Caucasus, Sales-representative, “Caucasus Trading”, “Gershkovich and Son”.

КИРИШ

Ўзбекистоннинг давлат мустақиллигини қўлга киритиши натижасида республикамиз халқаро муносабатларнинг тўла қонли субъектига айланди. Мазкур жараён нафақат Ўзбекистон, балки унинг ҳудудида мавжуд бўлган давлатларнинг совет даврида олиб борган ташқи алоқалари тарихини илмий асосда ёритишни долзарб масалалардан бири сифатида кун тартибига қўймоқда. Бугунги кунда Ўзбекистонда амалга оширилаётган изчил ва тизимли ислоҳотлар,

айниқса, ташқи сиёсатдаги улкан ўзгаришлар халқаро муносабатлар тарихини илмий асосда ўрганиш масаласини заруратга айлантирмоқда.

АДАБИЁТЛАР ТАҲЛИЛИ ВА МЕТОДОЛОГИЯ

Совет даври тадқиқотларида БХСР тарихи ҳукмрон мафкура меъёрлари асосида ўрганилиб, республиканинг хорижий давлатлар билан муносабатлари деярли ёритилмаган. Мустақиллик йилларида Қ. Ражабов, Ф. Қосимов, С. Иноятов, У. Рашидов, Ш. Ҳайитов, С. Бадриддинов, К. Раҳмоновлар томонидан БХСР тарихининг турли масалалари ўрганилган. Хорижий ва ўзбек тарихчилари тадқиқотларида XX аср бошларида Бухорода рўй берган ижтимоий- сиёсий жараёнлар, совет ҳокимиятига қарши кураш масалалари ўрганилиб, ташқи алоқалар масаласи тадқиқот доирасидан четда қолган.

Ушбу мақолада тизимлаштириш, қиёсий таҳлил, анализ ва синтез ҳамда муаммовий-хронологик каби илмий тадқиқот усуллардан фойдаланилди.

БХСР даврий матбуоти ва Ўзбекистон Республикаси Марказий Давлат архиви фондларида сақланаётган архив ҳужжатлари материаллари илк марта илмий муомалага тортилиши натижасида БХСРнинг АҚШ савдо ташкилотлари билан олиб борган алоқаларига оид маълумотлар аниқланди.

НАТИЖАЛАР

Тарихан қисқа муддат давомида мавжуд бўлишига қарамасдан БХСР ҳукумати жуда фаол ташқи сиёсат олиб борди. БХСР ҳукуматининг хорижий мамлакатлар билан олиб борган сиёсий, иқтисодий, маданий, илмий-техникавий ҳамкорликдан кўзлаган мақсади “халққа эркин маишат, иқтисодий озодлик, асрлардан буён амирликнинг асоратида ётган халқни маданият тараққийсига чиқармоқ эди” [1]. БХСРнинг ташқи сиёсати совет ҳукумати билан тузилган шартномалар доирасида амалга оширилишига қарамасдан, Бухоро совет республикалари, Афғонистон, Туркия, шунингдек, Ғарбнинг ривожланган мамлакатлари билан кенг ҳамкорликни йўлга қўйишга ҳаракат қилди. Республика ҳукумати ғарбий Европа ва АҚШ билан иқтисодий ва маданий алоқаларни ўрнатиш масаласига алоҳида аҳамият қаратди. БХСР ҳукумати раҳбарлари совет мустамлакачилигидан халос бўлишнинг шартларидан бири Бухорода замонавий халқ хўжалигини барпо этиш, дунёнинг илғор мамлакатлари билан кенг ҳамкорликни йўлга қўйиш эканлигини яхши тушунган. БХСРнинг ички ва ташқи сиёсати устидан совет давлат органлари ҳукмронлиги ўрнатилган бўлишига қарамасдан, республиканинг табиий бойликларини саноат асосида ўздаштириш учун 1921 йилдаёқ хориж капитали, биринчи навбатда

Германия капиталини жалб қилиш масаласи ҳукумат даражасида муҳокама қилинди [2].

1921 йил баҳоридан РСФСР иқтисодиётида янги иқтисодий сиёсатга ўтилиши натижасида иқтисодий чекловлар бекор қилиниб, мамлакат иқтисодиётига хорижий фирмалар, чет эл капитали кириб кела бошлади. Аввало, Ғарбий Европанинг ривожланган давлатлари ва АҚШ билан кенг иқтисодий ҳамкорликни ўрнатиш имкониятлари ўрганиб чиқилди. БХСР учун Кавказорти ҳудуди Ғарбий Европа ва АҚШ бозорларига чиқиш кўприги вазифасини бажариши лозим эди. Бухоронинг Европа давлатлари билан иқтисодий алоқаларини йўлга қўйиш мақсадида 1921 йил 15 декабрда Бухоро ташқи савдо бўлимининг Боку, Ботуми, Тбилиси шаҳарларида бўлимларини очишга қарор қилинди [3. 191]. БХСР савдо ваколатхонасининг Тбилисидаги бўлими 1922 йил 4 ноябрдан 1923 йилнинг 15 сентябригача, Ботумидаги бўлими 1922 йил 9 декабрдан 1923 йил 7 сентябргача фаолият кўрсатди [4].

Кавказортининг Боку, Тифлис, Ботуми шаҳарларида фаолият юритган савдо бўлимлари, нафақат бу ердаги давлат ва хусусий фирмалар билан, балки Кавказортида ваколатхоналари мавжуд бўлган Ғарбий Европа ва АҚШ фирмалари билан ҳам ўзаро ҳамкорликни йўлга қўйди. Савдо ваколатхонаси Бухоро қишлоқ хўжалигига буғ ва электр машиналарини олиб кириш, чорва махсулотларини хом ашё сифатида эмас, балки тайёр маҳсулот сифатида чет эл бозорига олиб чиқишга аҳамият қаратади. БХСР ҳукуматининг иқтисодий сиёсатида Бухоронинг табиий бойликларидан мамлакат тараққиёти учун фойдаланишда илғор техникага эга бўлган мамлакатларга концессия бериш масаласи муҳим ўрин тутади [5].

БХСРнинг Кавказортидаги савдо бўлимлари Ғарбий Европанинг саноати ривожланган мамлакатлари ва АҚШ билан савдо ва техникавий ҳамкорликни ўрнатишда муайян ишларни амалга оширди. 1923 йил бошларида БХСРнинг Кавказортидаги савдо ваколатхонаси хорижий мамлакатлар билан иқтисодий ҳамкорликни янада кенгайтирди. БХСР савдо ваколатхонаси Ғарбий Европанинг Швеция, Италия, Франция, Англия каби мамлакатлари ҳамда АҚШнинг савдо-саноат доиралари билан ўзаро иқтисодий алоқаларни ўрнатди.

БХСРнинг Кавказортидаги савдо ваколатхонасининг Кавказортида фаолият юритган АҚШ савдо, ишлаб чиқариш муассасалари билан йўлга қўйган иқтисодий ҳамкорлиги қисқа муддат давом этган бўлишига қарамасдан муҳим йўналишлардан бири бўлган. Бу даврда Бухорода мавжуд бўлган совет ҳарбий қисмларининг барча харажатлари БХСР ҳукумати зиммасига юкланган эди. Кавказортидаги савдо ваколатхонаси ҳарбий ҳаракатларда қатнашаётган совет

аскарлари учун хорижий ҳамкорлардан Бухоро маҳсулотлари эвазига кийим-кечак сотиб олишга жалб қилинди. Савдо ташкилоти вакиллари ушбу масалада АҚШ фирмасига мурожаат қилди. БХСРнинг Кавказортидаги савдо бўлимлари билан ҳамкорликни АҚШнинг “Кавказ трейдинг корпорейшн” фирмаси бошлаб берди. Бош ваколатхонаси Нью-Йоркда жойлашган, Истанбул ва Ботумида бўлимлари мавжуд бўлган АҚШнинг “Кавказ трейдинг” корпорацияси 60 кун ичида Ботуми портига 2 минг дона ҳарбий кийим-бош етказиб беришни таклиф қилади. Унинг вакиллари 1922 йил 22 октябрда БХСРнинг Тбилисидаги савдо бўлимига Америкада ишлаб чиқарилган 2000 дона ҳарбий кийим-кечакнинг ҳар бирини 9 доллар нархда БХСРга сотиши мумкинлигини билдирди. [6. 67]. 1922 йил 26 октябрда АҚШнинг мазкур ширкати вакили Левинсон жами 388 жуфт “Вера” этигини 4,5 доллар нархда, “Итбоши” деб номланган бўзни эса 5,5 доллар нархда сотилишини маълум қилади. Ушбу Америка корпорацияси Кавказортида Бухоро халқ хўжалиги учун зарур бўлган “Третта” пахта тозалаш ускуналари, “Эмерзон” тракторлари ва бошқа қишлоқ хўжалик жиҳозлари савдосини ташкил этган эди [7. 18]. Аграр мамлакат бўлган Бухорода етиштирилган қишлоқ хўжалик маҳсулотларини қайта ишлашда юқоридаги техника жиҳозларининг аҳамияти катта бўлган.

1923 йил бошларида БХСРнинг Кавказорти савдо бўлимларининг хорижий мамлакатлар билан ҳамкорлик доираси кенгайди. Америкалик ҳамкорлар Бухорода етиштириладиган ширинмия ва қоракўл тери маҳсулотларига катта қизиқиш билдирдилар. Юқоридаги маҳсулотларга Кавказорти бозорида талаб доимий равишда ортиб борган. Масалан, 1923 йил 24 январда ширинмиянинг бир пуди (1 пуд 16 килограммга тенг) Ботумида 5 рубль 50 тийинни ташкил этган. БХСРнинг савдо ваколатхонаси хорижий ҳамкорлик билан муносабатларни совет ташқи савдо органлари назорати ва иштирокида амалга оширишга мажбур эди. Бухорода етиштирилган қоракўл тери маҳсулотларини Америка бозорига олиб чиқиш масаласида АҚШ савдо корпорацияси вакиллари “Росгосторг” (Россиянинг ташқи савдо масалалари бўйича давлат идораси) билан музокаралар олиб борди. Шунингдек, БХСР халқ хўжалигига хорижий концессияларни киритиш бўйича музокаралар бошланди [8].

Бухоронинг машҳур қоракўл териси БХСР савдо ваколатхонасининг ташқи савдо алоқаларида муҳим маҳсулот ҳисобланган. Унга ғарбий Европа ва АҚШ бозорида талаб юқори бўлиб, доимо ортиб борган. Ушбу маҳсулотнинг хориж бозорида харидоргирлиги ва қимматлиги ҳатто совет ташқи савдо вакилларининг эътиборини тортган эди. Бухоро қоракўлини АҚШ бозорига олиб кириш масаласида совет ташқи савдо ташкилотининг Кавказортидаги бўлими

Германия ишбилармонлари билан музокаралар олиб борди. Натижада 1923 йил 9 февралда “Росгосторг”нинг Кавказорти бўлими ва Германия савдо фирмалари ўртасида 500 минг олтин рубль қийматдаги Бухоро қоракўл терисини Америка бозорида кимошди савдоси орқали совет савдо вакилларининг бевосита иштироки ва назорати остида сотишга оид келишувга эришилди [7].

Бухоро қоракўл тери маҳсулотларини АҚШ бозорига олиб кириш масаласида Американинг бошқа савдо муассасалари ҳам қизиқиш билдирди. Жумладан, 1923 йилнинг мартида бош офиси Нью-Йоркда жойлашган “Альберт Гершкович ва ўғил” фирмаси БХСР савдо ваколатхонасининг Боку бўлимига қоракўл тери маҳсулотларини харид қилиш бўйича таклиф билан мурожаат қилди. Мазкур таклиф БХСР ҳукумати томонидан ўрганиб чиқилиши учун 1923 йилнинг 19 мартида Кавказортидаги савдо ваколатхонаси томонидан Бухоро савдо-саноат идораси мудири И. Изомшоевга юборилди [9].

Икки томон ўртасидаги келишув шартлари бажарилган тақдирда БХСР савдо ваколатхонаси 1923 йил 15 мартда Нью-Йоркнинг “Гершкович ва ўғил” фирмасига қоракўл терини етказиб берса, БХСР 2000 олтин рубль миқдорида фойда кўриши мумкин эди [10].

Бухоро савдо ваколатхонаси АҚШнинг мазкур фирмаси билан ҳамкорликни кенгайтириш мақсадида 1923 йил 12 июлда Бокуда фирма вакили К. Вейслейб билан Бухоро қоракўл терисини сотиб олиш бўйича шартнома тузди. Унга кўра қоракўл терининг ҳар донасига 4 лира 45 пиастр баҳо белгиланиб, жами 17818 дона қоракўл терини сотишга келишилади. Бироқ совет давлати томонидан ташқи савдони амалга ошириш бўйича ўрнатилган меъёрлар БХСРнинг иқтисодий манфаатларига зид бўлиб, ваколатхона томонидан ташқи бозорга олиб чиқиладиган Бухоро маҳсулотларига юқори белгиланганлиги уни сотиш масаласида қийинчиликларни келтириб чиқарган. Шунингдек, хорижий ҳамкорлар маҳсулот эвазига тўланадиган пул маблағларини тўғридан-тўғри ваколатхона ҳисобига эмас “Росгосбанк”нинг Кавказортидаги бўлимлари ҳисобига ўтказишлари шарт бўлган. БХСР савдо ваколатхонаси мазкур масалани ижобий ҳал этишда ёрдам бериш учун Грузия ҳукумати раҳбари Ш. Элиавага мурожаат қилади. Ш. Элиаванинг фаол аралашуви натижасида 1923 йил 29 августда сотилган қоракўл тери АҚШ бозорига божхона тўловисиз 14 минг лира ва 300 червонец яъни ҳар пудига 10 рублдан тўлаган ҳолда олиб чиқилди [9]. Маҳсулот учун тўланадиган 8570 червонец маблағнинг 50% Истанбулда жойлашган голланд банки ҳисобидан “Росгосбанк”нинг Тифлис ва Боку бўлимларига ўтказиб берилиши белгиланган эди [11].

СССР ташкил топгач, тоталитар давлатга хос сиёсат юритилиши натижасида СССР таркибига кирмаган республикаларнинг чекланган ташқи алоқаларини тўлиқ тарзда совет давлат ташкилотлари ваколатига ўтказиш авж олдирилди. Натижада Кавказортидаги БХСР савдо ваколатхонаси фаолияти устидан қатъий назорат ўрнатилиб, чет фирмалари билан ҳамкорлик муносабатлари совет вакиллари томонидан юритилди. Масалан, 1923 йил 6 июлда БХСР савдо ваколатхонаси АҚШ фирмаси вакили билан Россия вакили Д. Сойфер воситачилигида қоракўл тери териси савдоси бўйича музокаралар олиб борди. Бухоро вакиллари маҳсулотга 3 доллар 10 цент нарх белгиланган бўлса, харидор томонидан 2 доллар 60 цент нарх қўйилди. Хорижий харидор тўловни рус пул бирлигида эмас, балки АҚШ долларида тўлашни амалга ошириш таклифини илгари сурди [7].

Бухоро савдо ваколатхонаси молиявий масалаларда ҳам бир қатор қийинчиликларга дуч келди. Етказиб берилган маҳсулот учун маблағларнинг узоқ вақт давомида турли банкларда қолиб кетиш ҳолатлари рўй берди. Бундай ҳолатларни ҳал этиш учун БХСР савдо вакиллари совет молиявий ташкилотларига мурожаат қилишга мажбур бўлдилар. Масалан, БХСР савдо ваколатхонаси ўринбосари 1923 йил августда “Росгосбанк”нинг Ботуми бўлими бошлиғи Боринскийга АҚШ фуқароси К. Вейслейб қоракўл тери учун тўлаши зарур бўлган 8 570 червонец маблағни Истанбулда жойлашган Голландия банкида қолиб кетаётганлигини маълум қилиб, ушбу масалада ёрдам сўрайди.[11. 77]. БХСР савдо вакиллари томонидан К. Вейслеб фирмасига сотилган 12 333 дона қоракўл тери учун тўланиши лозим бўлган 8622 червонец маблағ Россия давлат банкининг Ботуми бўлимига ўтказилиши белгиланган бўлиб, Бухоро савдо ваколатхонасининг хорижий фирмалар билан ҳамкорлиги РСФСР молия халқ комиссарлиги томонидан бошқарилган [7].

Барча қийинчиликларга қарамасдан қоракўл терини Америка бозорига чиқариш давом эттирилди. 1923 йил 10 августда БХСР савдо ваколатхонаси АҚШ фирмасига 17 818 дона қоракўл терини 58 577 турк лирасига сотди ва маҳсулот Германиянинг “Понтос” параходи орқали жўнатилди [7. 45]. Америка савдо-саноат доираларининг Бухоро чорвачилик маҳсулотларига қизиқишлари доираси кенгайиб борди. Бироқ икки томон ҳамкорлиги совет вакиллари воситачилигида амалга оширилди. АҚШнинг “Гершкович ва ўғил” фирмаси БХСРда етиштирилган тери савдосини йўлга қўйиш масаласида 1923 йил 30 августда “Внешторг” вакили С. Шермазовга мурожаат қилади. У БХСРнинг Боку савдо бўлими вакили Г. Ратнерга АҚШ фуқароси К. Вейслейб 10 фунт эчки терисини сотиб олиш бўйича мурожаат қилганлигини маълум қилади [12].

БХСР савдо ваколатхонаси транспорт соҳасида совет ташкилотларига қарам бўлган. Совет транспорт ташкилотлари Бухоро маҳсулотларини чет элга жўнатишга халақит қилди. Жумладан, 1923 йил 23 июлда Бухоро савдо ваколатхонасининг АҚШ савдо уюшмасига сотиши лозим бўлган 17 808 дона қоракўл тери 9 ой мобайнида "Доброфлот"нинг Боку бўлимида тўхтаб қолди [13. 63]. Чет эл ташкилотлари Бухоро маҳсулотлари пулини Россия давлат банки ҳисобига жўнатишга мажбур бўлган. БХСР савдо ваколатхонасининг молиявий қарамлиги томонлар ўртасидаги муносабатларнинг ёмонлашувига олиб келди. Масалан, 1923 йил 10 августда БХСР савдо ваколатхонаси РСФСР давлат банки Ботуми бўлимидан АҚШ фирмасига сотилган 17 818 дона қоракўл тери учун тўланиши лозим бўлган 58 577 турк лирасини 31 августга қадар ваколатхона ҳисобига ўтказиб беришни сўрайди. БХСР савдо ваколатхонаси "Альберт Гершкович ва ўғил" фирмаси директори К. Вейслейбдан 1923 йилнинг 18 апрелида тузилган шартноманинг 30% пулини тўламаганлиги, 12 июлдаги шартнома бузилганлиги учун 10 минг турк лираси тўлаш ҳамда қоракўл терини сақлаш ва жўнатиш билан боғлиқ харажатлар учун 5 минг турк лираси тўлашини талаб қилади [13]. Бу масалада БХСР мухтор вакили Н. Саиджонов РСФСР ташқи савдо халқ комиссарлигининг Кавказортидаги ваколатхонасига мурожаат қилиб, жаримани АҚШ фирмасидан ундиришда ёрдам беришни сўрайди [11]

МУҲОКАМА

СССРда тоталитар давлат белгиларининг кучайиб бориши натижасида БХСРнинг чет мамлакатлар билан ташқи иқтисодий алоқалари доираси қисқариб борди. Совет ҳукумати хорижий давлатлар билан тузган шартномалари орқали БХСРнинг ташқи алоқаларини бутунлай тугатиш томон йўл тутди. 1923 йил 8 октябрда СССР ва БХСРнинг Афғонистон билан тузган савдо шартномаси лойиҳасининг 5 моддасида Англия ва Ҳиндистонда ишлаб чиқарилган маҳсулотларни Бухоро бозорига киритмаслик чоралари кўрилади [14]. Ушбу шартноманинг тузилиши натижасида БХСРнинг нафақат Афғонистон билан балки, Кавказорти орқали Ғарбий Европа давлатлари ва АҚШ билан иқтисодий ҳамкорлигини тугатиш жараёни бошланди. Совет давлат ташкилотларининг БХСРнинг Кавказортидаги савдо ваколатхонаси устидан тўлиқ назорати ва тазйиқи натижасида 1923 йилнинг ёзида Боку, Тбилиси ва Ботуми бўлимлари ўз фаолиятини якунлашга мажбур бўлди.

ХУЛОСА

Хулоса қилиб айтганда, тарихан қисқа даврда фаолият юритганлигига, совет давлат органларига ташқи алоқаларни амалга ошириш, молиявий, транспорт масалаларидаги тўлиқ қарамлигига қарамасдан БХСРнинг Кавказортидаги савдо ваколатхонаси ғарбий Европанинг бир қатор мамлакатлари ва АҚШ савдо ва ишлаб чиқариш муассасалари билан иқтисодий ҳамкорликни ўрнатиш борасида бир мунча ишларни амалга оширди. Америка бозорига Бухоро маҳсулотларини олиб кириш мақсадлари тўлиқ амалга ошмасада, дастлабки қадамлар ташланди. БХСР ҳукумати ва унинг Кавказортидаги савдо бўлимлари совет ҳукумати органларининг тазйиқларига қарамасдан Бухоро халқ хўжалигини замонавий асосда ташкил этиш мақсадида АҚШ ва ғарбий Европанинг илғор давлатлари капитали ва техникасини республика халқ хўжалигига олиб кириш тадбирларини амалга оширди. Ушбу масалаларни ҳар томонлама ўрганиш ва АҚШ илмий доиралари билан мазкур масалада ҳамкорликни йўлга қўйиш давлатларимиз ўртасидаги муносабатларни янада ривожлантиришга хизмат қилади, деб ҳисоблаймиз.

REFERENCES

1. “Бухоро ахбори” 1922 йил, 8 июль.
2. Ўзбекистон Миллий Архиви, (кейинги ўринларда Ўз МА), 47-фонд, 1-рўйхат, 525-иш.
3. ЎзМА, 48-фонд, 1-рўйхат, 19-иш.
4. ЎзМА, 1914- фонд, 1-рўйхат, 1-иш.
5. ЎзМА, 53-фонд, 1-рўйхат, 26-иш, 68-варақ.
6. ЎзМА, 53-фонд, 1-рўйхат, 24-иш, 67-варақ.
7. ЎзМА, 1914-фонд, 1-рўйхат, 10-иш, 18-варақ.
8. ЎзМА, 1914-фонд, 1-рўйхат, 5-иш, 102-варақ.
9. ЎзМА, 53-фонд, 1-рўйхат, 5-иш, 125-варақ.
10. ЎзМА, 1914-фонд, 1-рўйхат, 9-иш.
11. ЎзМА,1914-фонд, 1-рўйхат, 17-иш.
12. ЎзМА, 1914-фонд, 1-рўйхат, 11-иш.
13. ЎзМА, 1914-фонд, 1-рўйхат, 13-иш.
14. ЎзМА, 1914-фонд, 1-рўйхат, 503-иш.